

ILMIY-AMALIY
ELEKTRON JURNAL



Iyul №7, 2026

Агробизнес, наука и
технология

AGROBIZNES FAN VA TEXNOLOGIYALAR

Agribusiness, science and
technology

№ 083688



ISSN:
3060-5245

Toshkent-2026

Platform &
workflow by
OJS / PKP

BOSH MUHARRIR

Oblomuradov Narzullo Naimovich – i.f.d. (DSc), professor.

Bosh muharrir o'rinbosarlari:

Islamov Soxib Yaxshibekovich – q.x.f.d. (DSc), professor.

Sultonov Kamoliddin Sadriddinovich – q.x.f.d. (DSc), professor.

Farmonov To'liqin Xayitmurodovich – i.f.d. (DSc), professor.

Muharrir:

Beglayev Uchqun Xurramovich – i.f.f.d. (PhD), dotsent.

Tahrir hay'atining xalqaro a'zolari:

Kusainov Xalel Xaymullayevich – i.f.d. professor (Qozog'iston davlat texnologiya universiteti)

Vilija Aleknevičienė – i.f.d. professor (Universitet Vitovta Velikogo)

Gilbert Ludwig – professor, (Jamk University of Applied Sciences)

Bobojonov Ixtiyor Baxtiyorovich – i.f.d. professor (Germaniyaning Leybnits nomidagi Markaziy Osiyoda qishloq xo'jaligini rivojlantirish instituti (IAMO))

Daiva Makutenene – professor, (Vitautas Magnus universiteti, Litva)

Xaitboyeva Nargiza Alikulovna – i.f.d. dotsent (Tojikiston davlat huquq, biznes va siyosat universiteti)

Tahrir hay'ati:**08.00.00-Iqtisodiyot fanlari:**

Gulyamov Saidasror Saidaxmedovich – i.f.d. (DSc), professor;

Saidov Muxammad-Ali Xakimovich – i.f.d. (DSc), professor;

Rustamova Iroda Baxramjanovna – i.f.d. (DSc), professor;

Ochilov Ilhom Sayitqulovich – i.f.d. (DSc), professor;

Askarov Nazimjon Niyozovich – i.f.d. (DSc), professor;

Abdullayev Altinbek Yangibayevich – i.f.d. (DSc), professor;

Boltayev Abror Sayitmuradovich – i.f.d. (DSc), dotsent;

Abduvasikov Abduaziz Abdulazizovich – i.f.n. professor;

Mamadiyarov Dilshad Uralovich – i.f.n. dotsent;

Achilov Mashrab Ulug'bekovich – i.f.f.d. (PhD), dotsent;

Galimova Feryuza Rafikovna – i.f.n. dotsent;

Odilova Dilnozaxon Barnayevna – i.f.f.d. (PhD), dotsent;

Yangiboyev Dilshod G'ulomovich – i.f.f.d. (PhD);

Saidova Dildora Nurmatovna – i.f.n. dotsent;

Dexkanova Nilufar Sagdullayevna – i.f.f.d. (PhD), dotsent;

Roziqov Jahongir Mustaqim o'g'li – i.f.f.d. (PhD), dotsent;

Boltayev Nurali Shiramatovich – i.f.f.d. (PhD), dotsent;

Ibragimova Madina Ismoilovna – i.f.f.d. (PhD), dotsent;

Javlijev Nuriddin Bektemir o'g'li – i.f.f.d. (PhD).

06.00.00-Qishloq xo'jaligi fanlari:

Shokirov Alisher Djuraboyevich – q.x.f.d. (DSc), professor;

Mardanov Husniddin Xolbozorovich – q.x.f.d. (DSc);

Abdiyev Fozil Rashidovich – q.x.f.d. (DSc);

Sattorov Maqsud Axtamovich – q.x.f.d. (DSc);

Yuldashov Nurbek Ergashovich – v.f.d. (DSc);

Xalmirzayev Dilmurad Kamilovich – q.x.f.d. (DSc), dotsent;

Namazov Ixtiyor Choriyevich – q.x.f.d. (DSc), professor;

Xudayqulov Jonibek Bozarovich – q.x.f.d. (DSc), professor;

Eshonqulov Jamoliddin Saporboy o'g'li – q.x.f.d. (DSc), professor;

Abdullayev Anvar Kodirullayevich – b.f.n., katta ilmiy xodim;

Atabayev Ma'ruf Maxmudovich – q.x.f.n. professor;

Safarov Asqar Asadullayevich – q.x.f.f.d. (PhD), dotsent;

Mustafakulov Davron Mamatqulovich – q.x.f.f.d. (PhD), dotsent;

Kasimov Botir Sadriddinovich – q.x.f.f.d. (PhD);

Akramov Umidilla Ikramdjanovich – q.x.f.n. dotsent;

Elboboyev Abdug'ani Shuxrat o'g'li – q.x.f.f.d. (PhD);

Muxammadov Yo'ldoshbek Akmal o'g'li – q.x.f.f.d. (PhD);

Maxmudova Shaxnoza Abdufattaxovna – q.x.f.f.d. (PhD), dotsent;

Idrisov Xusanjon Abdujabborovich – q.x.f.f.d. (PhD), dotsent.

MUASSIS

Toshkent davlat agrar
universiteti

ALOQA UCHUN MA'LUMOTLAR

Manzil: Toshkent viloyati, Qibray
tumani, Universitet ko'chasi, 2-uy.

Jurnalning telegram manzili:

t.me/agrobiznes_elektronjurnal

E-mail: licht-1989@mail.ru

Jurnalning rasmiy sayti:

<https://www.agrobiznesjournal.uz>

Tel: +(998) 93 439 30 00

Jurnalning ilmiyligi:

Ma'lumot uchun, OAK
Rayosatining 30.11.2024-yildagi
№364/5-sonli qarori bilan
08.00.00-Iqtisodiyot fanlari
bo'yicha, 08.05.2025-yildagi
№370/5-sonli qarori bilan
06.00.00-Qishloq xo'jaligi fanlari
bo'yicha "Dissertatsiyalar asosiy
ilmiy natijalarini chop etish
tavsiya etilgan milliy ilmiy
nashrlar ro'yxati"ga kiritilgan.

Elektron nashr, 673 sahifa.

E'lon qilishga 2026-yil 30-iyulda
ruxsat etildi.



JAMSHID SHODMONOV

The growth of online shopping in Uzbekistan and its impact on consumer behavior.....412

ERKABOYEVA JASMINA SAFARALI QIZI

Xususiyl tadbirkorlik: kichik biznesning rivojlanishi va strategik yutuqlari.....426

TASHNAZAROVA SITORA FAXRIDDINOVNA

Sanoat tarmoqlarini rivojlantirishda investitsiyalardan foydalanishning zaruriyati va o'ziga xos xususiyatlari.....432

ERGASHEVA SHAXZODA BAHROM QIZI

Sun'iy intellekt yordamida yashil iqtisodiyotni rivojlantirish.....442

BAHROM KAMILOVICH AVEZOV

Orol dengizi mintaqasida qashshoqlikni kamaytirish: ijtimoiy-iqtisodiy, ekologik va institutsional yondashuvlarning ko'p o'lchovli tahlili.....448

MAHMUDOV QUDRATILLO XURSANDBEK O'G'LI

O'zbekiston tijorat banklarida kredit risklarini baholash va boshqarish mexanizmlarini takomillashtirish: xalqaro standartlar va milliy amaliyot.....458

QISHLOQ XO'JALIGI FANLARI

OCHILDIEV UKTAM OLLANAZAROVICH

Surxondaryo viloyatida anor yetishtirishning agrotehnologik xususiyatlari.....466

XUDAYQULOV JONIBEK BOZAROVICH, QASHQABOYEVA CHULPANOY TULKUNOVNA, ALISHEROV XASAN ALISHER O'G'LI

Dunyo mamlakatlari va O'zbekistonda sholini muttasil yetishtirishda mineral va organik o'g'itlar qo'llashning hosildorlikga ta'siri.....472

ЧОРИЕВА ЗАРХОЛ ҚОДИРОВА

Суғориш усуллари ва тартибини анор навлари фенологик фазаларининг ўтиш муддати ва давомийлигига таъсири.....478

MIRZASOLIYEV MIRZAOSIMJON MIRZASOYPOVICH

Oraliq ekin sharoitida turli ekish sxemalarining piyoz hosildorligiga ta'siri.....484

МАВЛОНОВА НАСИБА УМАРОВА

Оптималь суғориш ва сув танқислиги шароитида ғўзанинг навлараро мураккаб дурагайларида олинган оила, тизма ва навида 1000 дона чигит вази белгисининг шаклланиши.....488

MUXTOROV O'ZBEKXON BURHONOVICH

Davlat mulkchiligi sharoitida qishloq xo'jaligi yerlarini me'yoriy baholashning gibril modeli: obyektiv va bozor signallarini integratsiyalash asosida.....493

YO'LDOSHEV NURBEK ERGASHOVICH, SAYFULLAEVA MAXBUBA ILXOMOVNA

«Alpek» mahalliy antigelmint substansiyasining quyonlarda o'tkir toksikligini klinik, gematologik va biokimyoviy baholash.....501

OCHILOVA MUXAYYO SHAKAR QIZI

Baholash natijalari asosida yer tuzish loyihalarini optimallashtirish.....509





УЎК: 633.511:631.559:631.67

ОПТИМАЛ СУҒОРИШ ВА СУВ ТАНҚИСЛИГИ ШАРОИТИДА ҒЎЗАНИНГ НАВЛАРАРО МУРАККАБ ДУРАГАЙЛАРИДАН ОЛИНГАН ОИЛА, ТИЗМА ВА НАВИДА 1000 ДОНА ЧИГИТ ВАЗНИ БЕЛГИСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

МАВЛОНОВА НАСИБА УМАРОВНА

Тошкент давлат аграр университети доценти, қ.х.ф.ф.д.

E-mail: nasibamavlonova77@gmail.com

ORCID ID: 0009-0007-7634-5645

Аннотация. Мақолада оптимал суғориш ва сув танқислиги шароитида ғўзанинг навлараро мураккаб дурагайларида олинган оила, тизма ва навларида 1000 дона чигит вазнининг шаклланиш хусусиятлари ўрганилди. Тадқиқот натижалари сув танқислиги аксарият генотипларда 1000 дона чигит вазнининг камайишига олиб келишини кўрсатди. Шу билан бирга, айрим оила ва тизмаларда мазкур белги юқори даражада сақланиб қолганлиги ёки ошганлиги аниқланди. Айниқса, Т-14-16/14 тизмаси ҳамда О-10-11 ва О-37-38 оилалари сув танқислиги шароитида юқори кўрсаткичларни намоён қилди. Аниқланган истиқболли генотиплар қурғоқчиликка бардошли, юқори маҳсулдор ғўза навларини яратишда қимматли селекцион материал сифатида тавсия этилади.

Калит сўзлар: ғўза, сув танқислиги, оптимал суғориш, 1000 дона чигит вазни, маҳсулдорлик элементлари, оила, тизма, селекция, қурғоқчиликка бардошлилик, генотип.

Аннотация. В статье изучены особенности формирования массы 1000 семян у семей, линий и сортов хлопчатника, полученных от сложных межсортовых гибридов, в условиях оптимального орошения и водного дефицита. Результаты исследований показали, что водный дефицит у большинства генотипов приводит к снижению массы 1000 семян. Вместе с тем у отдельных семей и линий данный показатель сохранялся на высоком уровне или даже увеличивался. Наиболее перспективными по данному признаку оказались линия Т-14-16/14, а также семьи О-10-11 и О-37-38. Выделенные генотипы могут быть использованы в качестве ценного исходного селекционного материала при создании засухоустойчивых и высокопродуктивных сортов хлопчатника.

Ключевые слова: хлопчатник, водный дефицит, оптимальное орошение, масса 1000 семян, элементы продуктивности, семья, линия, селекция, засухоустойчивость, генотип.

Annotation. This study investigated the formation of 1000-seed weight in families, lines, and cultivars derived from complex intervarietal cotton hybrids under optimal irrigation and water-deficit conditions. The results demonstrated that water deficit reduced the 1000-seed weight in most genotypes. However, several families and lines maintained stable or even increased seed weight under drought stress. The T-14-16/14 line, along with the O-10-11 and O-37-38 families, exhibited superior performance under water-deficit conditions. These promising genotypes are recommended as valuable breeding materials for developing drought-tolerant and high-yielding cotton cultivars.

Keywords: cotton, water deficit, optimal irrigation, 1000-seed weight, yield components, family, line, breeding, drought tolerance, genotype.

КИРИШ

Бугунги кунда глобал иқлим ўзгариши ва сув ресурсларининг чекланиб бораётганлиги қишлоқ хўжалиги экинлари, жумладан ғўза маҳсулдорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Сув танқислиги шароитида ўсимликларда физиологик ва биокимёвий жараёнларнинг издан чиқиши натижасида фотосинтез интенсивлиги пасаяди, ассимилятларнинг





генератив органларга тақсимланиши чекланади ҳамда уруғ ва толанинг шаклланишига салбий таъсир кўрсатилади. Бу эса ҳосилдорликнинг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлган 1000 дона чигит вазнининг камайишига олиб келади.

1000 дона чигит вазни ғўзанинг муҳим хўжалик-биологик белгиларидан бири бўлиб, у уруғнинг тўлиқ шаклланганлиги, физиологик етуклиги ва маҳсулдорлик салоҳиятини ифодалайди. Мазкур белги генотип хусусиятлари билан бир қаторда ташқи муҳит омиллари, айниқса сув таъминоти даражасига ҳам бевосита боғлиқ. Шу сабабли турли суғориш режимларида 1000 дона чигит вазнининг шаклланиш хусусиятларини ўрганиш қурғоқчиликка бардошли ҳамда юқори маҳсулдор генотипларни танлаб олишда муҳим аҳамиятга эга.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

А.Абдукаримов ва ҳаммуаллифлар (2014), томонидан олиб борилган тадқиқотларда сув танқислиги фотосинтез маҳсулотларининг генератив органларга тақсимланишини чеклаши натижасида чигит вазни камайиши қайд этилган. Муаллифлар қурғоқчиликка бардошли генотипларда ушбу белги нисбатан барқарор сақланишини таъкидлаганлар.

Ш.Автонов, Б.Мирзаахмедов ва ҳаммуаллифлар (2019), ғўза селекциясига бағишланган ишларида 1000 дона чигит вазни юқори бўлган тизма ва оилалар юқори маҳсулдорлик манбаи сифатида баҳоланиши мумкинлигини қайд этганлар. Улар мазкур белгининг ирсийланиш даражаси нисбатан юқори бўлиб, селекциянинг илк босқичларида самарали танлаш мезони ҳисобланишини кўрсатганлар.

И.Абдурахмонов ва ҳаммуаллифлар (2016), молекуляр селекция бўйича тадқиқотларида қурғоқчиликка чидамли генотипларни яратишда физиологик ва маҳсулдорлик белгилари, жумладан 1000 дона чигит вазнини комплекс баҳолаш муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаганлар.

Р.Ортиқов ва ҳаммуаллифларнинг (2018), тадқиқотларида сув танқислиги шароитида чигит вазнининг сақланиб қолиши фотосинтетик аппаратнинг барқарор ишлаши ҳамда ассимилятларнинг генератив органларга самарали йўналтирилиши билан боғлиқлиги қайд этилган.

Навлараро мураккаб дурагайлардан олинган оила ва тизмалар юқори генетик хилма-хилликка эга бўлиб, улар селекция жараёнида қимматли бошланғич материал ҳисобланади. Уларни оптимал суғориш ва сув танқислиги шароитида қиёсий баҳолаш орқали ташқи муҳитнинг салбий таъсирига барқарор, маҳсулдорлик элементларини сақлаб қола оладиган истиқболли генотипларни ажратиб олиш имконияти яратилади.

Мазкур тадқиқотнинг мақсади оптимал суғориш ва сув танқислиги шароитида ғўзанинг навлараро мураккаб дурагайларидан олинган оила, тизма ва навларида 1000 дона чигит вазни белгисининг шаклланиш хусусиятларини баҳолаш, қурғоқчилик таъсирида мазкур белгининг





ўзгариш даражасини аниқлаш ҳамда селекция ишларида фойдаланиш учун юқори барқарорликка эга генотипларни танлаб олишдан иборат.

ТАДҚИҚОТНИНГ ОБЪЕКТИ ВА УСЛУБЛАР

Тадқиқотлар Тошкент давлат аграр университетининг Марказий дала тажриба майдонида олиб борилди. Тадқиқот объекти сифатида ўрта толали С-4727, Ан-Боёвут-2, С-2609, Гулистон, Наманган-77, С-9070, Омад, С-6524 навларини мураккаб дурагайлашдан олинган оила ва тизмалардан фойдаланилди. 1-жадвалда яратилган оила, тизма ва навнинг келиб чиқиши келтирилган.

1-жадвал

Яратилган оила, тизма ва навнинг келиб чиқиши

Т/р	Оила, тизма ва нав номи	Оила, тизма ва навнинг келиб чиқиши
1	О-69-70	[F1(С-4727 x С-2609) x С-4727 ₃]
2	О-35-36	[F1(С-4727 x С-6524) x С-4727 ₃]
3	О-37-38	[F1(Ан-Боёвут-2 x Наманган-77) x Ан-Боёвут-2 ₃]
4	О-33-34	[F1(Ан-Боёвут-2 x С-9070) x Ан-Боёвут-2 ₃]
5	О-16-18	[F1(Гулистон x Омад) x Гулистон ₃]
6	О-19-20	[F1(С-2609 x Ан-Боёвут-2) x С-2609 ₃]
7	О-95-96	[F1(С-4727 x С-2609) x С-4727 ₃] x [F1(С-4727 x С-6524) x С-4727 ₃]
8	О-23-24	[F1(Ан-Боёвут-2 x Наманган-77) x Ан-Боёвут-2 ₃] x [F1(Гулистон x Омад) x Гулистон ₃]
9	О-97-99	[F1(Гулистон x Омад) x Гулистон ₃] x [F1(С-2609 x Ан-Боёвут-2) x С-2609 ₃]
10	О-10-11	[F1(С-4727 x С-2609) x С-4727 ₃] x [F1(Ан-Боёвут-2 x Наманган-77) x Ан-Боёвут-2 ₃]
11	О-12-14	[F1(С-2609 x Ан-Боёвут-2) x С-2609 ₃] x [F1(С-4727 x С-6524) x С-4727 ₃]
12	О-17-19	[F1(С-4727 x С-6524) x С-4727 ₃] x [F1(Ан-Боёвут-2 x С-9070) x Ан-Боёвут-2 ₃]
13	Т-21-23/17	[F1(Ан-Боёвут-2 x Наманган-77) x Ан-Боёвут-2 ₃]
14	Т-14-16/14	[F1(Гулистон x Омад) x Гулистон ₃] x [F1(С-2609 x Ан-Боёвут-2) x С-2609 ₃]
15	Т-85-87/17	[F1(С-4727 x С-2609) x С-4727 ₃]
16	Аграр-95	Т-14-16/14 - {О-97-99/12 - [F1(Гулистон x Омад) x Гулистон ₃] x [F1(С-2609 x Ан-Боёвут-2) x С-2609 ₃]}

Барча дала кузатувлари “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” (2007), бўйича олиб борилди. Олинган натижалар Microsoft Excel дастурида статистик таҳлил қилинди.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ ВА МУХОКАМАЛАР

Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, оптимал суғориш ва сув танқислиги шароитида ғўзанинг навлараро мураккаб дурагайларидан олинган оила ва тизмаларида 1000 донга чигит вазнининг ўзгариши акс эттирилган. Тадқиқот натижаларига кўра, сув режими мазкур хўжалик белгисининг шаклланишига маълум даражада таъсир кўрсатган бўлиб,






айрим тизмаларда сув танқислиги шароитида ҳам юқори кўрсаткичлар сақланиб қолганлиги кузатилди.

Оптимал суғориш шароитида 1000 дона чигит вазни 120,5–131,0 г оралиғида ўзгарган. Энг юқори кўрсаткич О-95-96 оиласида қайд этилиб, 131,0 г ни ташкил этган. Шунингдек, О-97-99 ва Т-14-16/14 оила ва тизмаларида ҳам мос равишда 130,4 ва 130,5 г юқори кўрсаткичлар аниқланган. Бу мазкур оила ва тизмаларда чигитнинг яхши ривожланганлиги ва тўлиқ шаклланганлигини кўрсатади (1-расмга қаранг).

Сув танқислиги шароитида аксарият оила ва тизмаларда 1000 дона чигит вазнининг маълум даражада пасайиши кузатилди. Бу ҳолат сув етишмаслиги таъсирида ассимиляция жараёнларининг сусайиши ҳамда озуқа моддаларининг чигитга етарли даражада тўпланмаслиги билан изоҳланади. Хусусан, О-95-96 оиласида мазкур кўрсаткич 131,0 г дан 125,0 г гача, О-97-99 оиласида 130,4 г дан 126,7 г гача, Т-14-16/14 тизмасида эса 130,5 г дан 127,1 г гача камайган (1-расмга қаранг).



1-расм. Оила, тизма ва навларда оптимал ва сув танқислиги шароитида 1000 дона чигит вазни белигисининг шаклланиши

Шу билан бирга, айрим тизмаларда сув танқислиги шароитида ҳам чигит вазнининг юқори даражада сақланиши ёки ҳатто ортиши кузатилди. Масалан, О-37-38 оиласида 1000 дона чигит вазни оптимал суғоришда 121,0 г бўлган бўлса, сув танқислигида 135,0 г ни ташкил этган. Худди шундай, О-10-11 оиласида ҳам мазкур кўрсаткич 126,0 г дан 137,1 г гача ошганлиги қайд этилди. Бу ҳолат ушбу тизмаларнинг сув танқислиги





шароитида ҳам чигит шаклланиш жараёнини барқарор сақлай олиш хусусиятига эга эканлигини кўрсатади.

Андоза С-6524 навида 1000 дона чигит вазни оптимал суғориш шароитида 118,2 г, сув танқислиги шароитида эса 115,5 г ни ташкил этган. Тажрибада ўрганилган аксарият тизмалар ушбу навга нисбатан юқори кўрсаткичларни намоён этган бўлиб, уларнинг селекция учун қимматли манба сифатида аҳамияти юқори эканлигини кўрсатади.

ХУЛОСА

Умуман олганда, тадқиқот натижалари сув танқислиги 1000 дона чигит вазнининг шаклланишига турлича таъсир кўрсатишини намоён қилди. Айрим оила ва тизмаларда мазкур белгининг нисбатан барқарор сақланиши ёки юқори даражада шаклланиши уларнинг қурғоқчиликка чидамли ва селекция учун истиқболли генотиплар эканлигини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдукаримов А.А., Мирзаахмедов Б.М. Ғўза селекцияси ва уруғчилиги. – Тошкент: Меҳнат, 2014. – 320 б.
2. Абдурахмонов И.Ю., Буриев З.Т., Абдукаримов А.А. Ғўзанинг молекуляр генетикаси ва биотехнологияси. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2016. – 368 б.
3. Ортиқов Р.О., Ашурметов О.А. Қишлоқ хўжалик экинлари физиологияси. – Тошкент: Fan, 2018. – 280 б.
4. Мирзаахмедов Б.М., Автонов Ш.Қ. Ғўза селекцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. – 286 б.
5. Буриев З.Т., Абдурахмонов И.Ю. Ғўза генетикаси ва селекциясининг замонавий йўналишлари. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2020. – 295 б.
6. Автонов Ш.Қ., Абдукаримов А.А. Ғўзада қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиши ва селекцияси. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. – 2019. – №4. – Б. 18–23.
7. Мирзаахмедов Б.М., Ортиқов Р.О. Сув танқислиги шароитида ғўзанинг маҳсулдорлик белгилари шаклланиши. // Пахтачилик илмий мақолалар тўплами. – Тошкент, 2021. – Б. 56–63.
8. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. ЎзПТИ. Тошкент. 2007. Б.146.



2026-yil, iyul. №7-son.

Mas'ul muharrir: Beglayev Uchqun

Musahhih: Boltayev Nurali

Sahifalovchi va dizaynerlar: Normurodov Sarvar,
Sharipov Shoxruh

© Materiallar ko'chirib bosilganda "Agrobiznes, fan va texnologiyalar" ilmiy-amaliy elektron jurnali manba sifatida ko'rsatilishi shart. Jurnalda bosilgan material va reklamardagi dalillarning aniqligiga mualliflar mas'ul hisoblanadi. Tahririyat fikri har vaqt ham mualliflar fikriga mos kelavermasligi mumkin. Tahririyatga yuborilgan materiallar qaytarilmaydi.

Mazkur jurnalda maqolalar chop etish uchun quyidagi havolalarga murojaat qilish mumkin. Ilmiy maqolalar, reklama, hikoya va boshqa ilmiy-ijodiy materiallar yuborishingiz mumkin. Materiallar va reklamalar pullik asosda chop etiladi.

Elektron pochta: licht-1989@mail.ru

Jurnalning telegram manzili: t.me/agrobiznes_elektronjurnal

Telefon raqami: +998939018320, +998934393000

Jurnal rasmiy sayti: <https://www.agrobiznesjournal.uz>

"Agrobiznes, fan va texnologiyalar" ilmiy-amaliy elektron jurnali O'zbekiston Respublikasi Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirligi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasi rayosatining 30.11.2024-yildagi №364/5-sonli qarori bilan 08.00.00-Iqtisodiyot fanlari bo'yicha, 08.05.2025-yildagi №370/5-sonli qarori bilan 06.00.00-Qishloq xo'jaligi fanlari bo'yicha "Dissertatsiyalar asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan milliy ilmiy nashrlar ro'yxati"ga kiritilgan.



"Agrobiznes, fan va texnologiyalar" ilmiy-amaliy elektron jurnali 2023-yil 23-maydan O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan **C-5669225** reyestr raqami tartibi bo'yicha ro'yxatdan o'tkazilgan.
Litsenziya raqami: №083688

**Manzilimiz: Toshkent viloyati, Qibray tumani,
Universitet ko'chasi, 2-uy**